

**«O'zsanoateksport»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**


**01 ЯНВАРЬ 2020 ЙИЛДАН 31 ДЕКАБРЬ 2020 ЙИЛГАЧА  
БУЛГАН ДАВРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ  
ҲИСОБОТЛАРИНИНГ ХОЛАТИ ЮЗАСИДАН ТУЗИЛГАН**

**АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ**

Тошкент ш. 2021 йил

**Мундарижа**

<b>I. КИРИШ ҚИСМИ:</b> .....	3
Акциядорлик жамияти реквизитлари: .....	3
Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:.....	3
Аудиторлик текшируви методологияси ва умумий характеристика: .....	4
Жамиятнинг ҳуқуқий асослари, тузилиши. ....	5
Молиявий ҳисоботлар: .....	6
<b>II. ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ.</b> .....	7
Бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва ички назорат тизими:.....	7
Жамиятнинг ижроя органи ва бошқарув қарорларига риоя қилиниши: .....	7
Ички аудит хизмати .....	9
Асосий воситалар ва бошқа узок муддатли активлар ҳисоби.....	10
Узоқ муддатли инвестициялар. ....	12
Капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар .....	13
Товар моддий захиралар ҳисоби.....	13
Ишонч қоғозлари.....	15
Келгуси давр харажатлари ҳисоби.....	15
Дебитор қарзлар ҳисоби. ....	16
Банк орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар.....	18
Кредитор қарзлар ҳисоби. ....	18
Меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш ҳисоби. ....	19
Асосий фаолиятнинг даромадлари.....	20
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари.....	21
Сотилган маҳсулотлар таннарх харажатлари ва давр харажатлари. ....	22
Хусусий капиталлар ҳисоби .....	24
Солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланиши.....	24
Иқтисодий ҳолатини баҳолаш буйича курсаткичлари. ....	27
<b>III. ЯКУНИЙ ҚИСМ.</b> .....	28



## АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

### I. КИРИШ ҚИСМИ:

#### Акциядорлик жамияти реквизитлари:

Жамиятнинг тулик номи: «O'zsanoateksport» акциядорлик жамияти

Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир тёмур шохкўчаси, 107 уй.

Банк реквизитлари: ЦОУ АТБ «Турон Банк» 2021 0000 2005 0758 8001 асосий ҳисоб рақамига эга. МФО 00083. ИНН 303 724 021.

Давлат руйхатидан утган гувоҳномаси: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Давлат Хизматлари томонидан Маркази томонидан 2016 йил 14 январда №188 сон билан руйхатдан утказилган. Статистика хос рақамлари: ИФУТ- 46211, ТХШ- 100. КОПФ - 1150, КТУТ – 25964532. ИНН 303724021

Бошқарув раиси: Мирзабеков Ойбек Алибекович

Бош ҳисобчи: Юлдашев Элбек.

#### Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Аудиторлик ташкилотининг тулик номи: Маъсулияти чекланган ҳамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти.

Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси 100081, Тошкент шаҳри, Госпитал кучаси 11/2 тел: 95-144-74-55, 150-23-01.

Давлат руйхатидан утганлиги хақида маълумот: Ўзбекистон Республикаси Юстиция Вазирлиги томонидан 11 декабр 2007 йилда берилган №545 Гувоҳнома.

Аудиторлик лицензияси: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 11 апрелда қўни берилган, барча ҳужалик юритувчи субъектларда «Аудиторлик фаолияти билан шугулланишга руҳсат берувчи» №00811-сонли.

Банк реквизитлари: Расчетный счет: 20208000604007713001 ЧЗАКБ «DAVR-BANK» Чиланзар булими, МФО-01046, ИНН 202884570, ОКОНХ 84400.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Боходир Нематович, САР, аудиторлик малака сертификати № 05207 26 апрель 2014 йил.

Аудиторлик текшируви раҳбари: Умаров Рахимжон Алиевич, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016 йил 30 июлда берилган №04976 аудитор малака сертификати эга.

Текшириш учун асос: Шартнома №01/55-21 02 апрель 2021 йил.

Ҳисобот тақдим қилинган сана: 28 апрел 2021 йил.

**Аудиторлик текшируви методологияси ва умумий характеристика:**

Ушбу ҳисобот «O'zsanoateksport» акциядорлик жамияти билан тузилган шартномага асосан жамиятнинг 01.01.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача булган даврда молиявий ҳужалик фаолияти юзасидан тузилган молиявий ҳисоботлари, ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва у билан боғлиқ бошқа молиявий ҳужжатларини аудиторлик текширувидан утказиш якуни буйича тузилди.

Молиявий ҳисоб курсаткичлари тўғри тузилганлиги маъсулияти корхона раҳбарияти зиммасига юклатилган. Бизнинг вазифамиз утказилган аудиторлик текшируви асосида ушбу молиявий ҳужжатлар қонунийлиги юзасидан тўғри хулоса чиқариб беришдан иборат. Аудиторлик текшируви Аудиторлик фаолияти миллий андозалари асосида тузилган режа буйича утказилди.

Аудиторлик текшируви учун асос бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

-26.05.2000 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонуни (янги тахир);

-«Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси» аудиторлик фаолияти миллий андозаси (70-СОН АФМА) (АВ 10.02.2001й. № 1016, МВ 14.02.2001й. № 20);

-Солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланиши буйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлари.

Аудиторлик ҳисоботи буйича аниқланган маълумотлар махфий ҳисобланиб, маълумотларни сир сақланиши учун аудиторлик ташкилоти жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси №9 сонли «муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги» аудит миллий стандартига асосан Жамиятнинг молиявий ҳисоботларига асосан жиддийлик даражасининг энг макбул миқдорини аниқланди. Аудиторлик хулосасини тайерлашни назарда тутадиган аудитни амалга ошириш пайтида мазкур стандарт талаблари аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий талаблар ҳисобланади.

**Жиддийлик даражасини аниқлаш**

(минг сум)

Асосий курсаткичлар	Сумма, минг сум	%	Жиддийлик даражасини аниқлаш учун миқдорлар
Солиқ тулағунга қадар булган фойда (зарари)	2 012 057	5	100 603
Махсулот сотишдан тушум	46 482 970	5	2 324 149
Хусусий капитал (Соф активлар)	269 138 507	5	13 456 925
Жами активлар	578 921 459	5	28 946 073
<b>Танланган жиддийлик даражаси жами</b>	<b>X</b>	<b>x</b>	<b>44 827 750</b>
<b>Аудит учун танланган аниқлик даражаси:</b>			11 206 937
Жиддийлик даражасини аниқлаш учун олинган курсаткичлар сони	X	x	4
<b>Жиддийлик даражаси (Танланган жиддийлик даражаси жами/ курсаткичлар сони)</b>	<b>X</b>	<b>x</b>	<b>8 965 550</b>

Жамиятнинг 2020 йил якуни буйича тузилган молиявий ҳисоботлари миқдорий ва сифат курсаткичлари асосида жиддийлик даражасининг миқдори 8 965 550 минг сум ҳисобланди.

**Жамиятнинг ҳуқуқий асослари, тузилиши.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тузилмасини мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК 2463 қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.04.2016 йилдаги №125 сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига "O'zsanoateksport" АЖга белгиланган тартибда "UZPROMMASHIMPEKS" АЖ ва «Марказсаноатэкспорт» АЖ мулкларини баҳолашни, шунингдек, уларнинг қўшган улушларига мувофиқ акциядорлар ўртасида улушларига пропорционал равишда тақсимлаш шарти билан янги акциялар чиқаришни амалга ошириш белгиланган. "O'zsanoateksport" АЖ қайта ташкил этилаётган "UZPROMMASHIMPEKS" АЖ ва «Марказсаноатэкспорт» акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқлари, шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

"O'zsanoateksport" АЖ устав капитали "UZPROMMASHIMPEKS" АЖ ва «Марказсаноатэкспорт» акциядорлик жамиятларининг акцияларининг қайта баҳолаши натижасида шаклланиб 2016 йил 20 июнда давлат рўйхатидан утказилган, унга кура жамият Устав капитали 15 504 532 584 сўм давлат улуши бўлган қуйидаги акциядорлик жамиятлари улушидан иборат бўлган:

"UZPROMMASHIMPEKS" АЖ – 6 943 608 дона акцияси номинал қиймати 1223 сумдан жами 8 492 032 584 сўм;

«Марказсаноатэкспорт» АЖ – 5 610 000 дона акцияси номинал қиймати 1223 сумдан жами 7 012 500 000 сўм;

Жамият Ягона акциядори АЖ «O'zsanoateksport» нинг 29.08.2016 йилдаги №9 сон баёни қарорига асосан АЖ «O'zsanoateksport» Устав капитали 15 504 532 584 сумдан 23 156 572 584 сумга қўшимча акциялар кўпайтирилган ва 15.11.2016 йил Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштирувчи бошқармаси Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан (иккинчи эмиссия) № Q0822-2 сон билан рўйхатдан ўтказилган ва «O'zsanoateksport» АЖ устав капитали 23 156 572 584 сумни ташкил этган:

- 8 492 032 584 дона номинал қиймати 1,0 сум бўлган 8 492 032 584 сум (АЖ «Uzprommashimpeks» давлат улушини номинал қиймати бўйича ўтказилганлиги ҳисобига);
- 14 664 540 000,0 дона номинал қиймати 1,0 сум бўлган 14 664 540 000,0 сум (АЖ «Markazsanoateksport» давлат улушини номинал қиймати бўйича ўтказилганлиги ҳисобига).


Корхона солиқ тўловчи юридик шахс сифатида Тошкент шаҳар Юнусобод туман давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан утган булиб, унга 303724021-сонли идентификацион раками берилган.

Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун қуйидаги ҳуқуқларига эгадир:

Компания фаолиятдан мақсад даромад олиш ва Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кумаклашиш.

Компания фаолият йуналишлари қуйидагилар:

- Ташқи савдо воситачилик хизматларини кўрсатиш;
- маҳсулот ва хизматларни экспорт-импортини амалга ошириш ва кўпайтириш, республика экспорт базасини ривожланишига, товарларнинг сифати ва рақабатбардошлигини оширишга кўмаклашиш, амалга ошириладиган операцияларни самарадорлигини ошириш;
- машинасозлик, фармацевтика, нефт ва газ, металлургия, тўқимачилик, дон маҳсулотлари, кимё ва нефт кимёси саноатлари, қурилиш материаллари саноати ва бошқа саноат ташкилотларига уларнинг маҳсулотларини, корхоналарни экспорт олди молиялаштиришни ҳам ҳисобга олган ҳолда, экспортга йўналтиришда кўмаклашиш;
- чуқур маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, мамлакат иқтисодий тармоқлари маҳсулотларининг жаҳон конъюнктурасидаги мойиллиги ўрганиш, ва шунинг асосида



**АЖ "O'zsanoateksport" аудиторлик ҳисоботи**

- экспорт жўнатмалари географиясини кенгайтириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини сотиш учун истиқболли ташқи бозорлар топиш;
- Ўзбекистон Республикасидаги корхоналарнинг ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва улар тамонидан чиқариладиган маҳсулотларни янгилаш буйича ишларни ташкил этишга кумаклашиш;
  - экспортга мулжалланган ҳамда Ўзбекистон Республикасига импорт килинадиган машиналар, ускуналар, асбоблар ва бошқа молларга техник ёрдам курсатиш ишларини ташкил этиш буйича тадбирларни утказишга кумаклашиш;
  - замонавий технологик ускуналар ва технологиялар негизида ракобатдор маҳсулот ишлаб чиқаришни қайта куриш ва техникавий жихатдан қайта таъминлаш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш;
  - реклама тадбирларини ишлаб чиқиш ва утказиш, халқаро ярмарка ва кургазмалар ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш, манфаатдор корхона ва ташкилотларни ахборот ва маслаҳатлар билан таъминлаш;
  - маҳаллий ва хориждаги юридик ва жисмоний шахсларга воситачилик, транспорт, суғурта, консалтинг, лизинг, маркетинг, молия, дистрибьютерлик, агентлик ва дилерлик хизматларини курсатиш;
  - Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга оширишга ҳақлидир.
- Жамият устав фонди ва уни ташкил этилиши.

«O'zsanoateksport» АЖнинг 19.07.2019 йилда тасдиқланган Янги тахрирдаги уставининг 7.1 бандига биноан Устав фондининг миқдори 23 156 572 584 сумни ташкил этган, акциялар номинал қиймати 1 сўм бўлган 23 156 572 584 дона эгаси номи ёзилган оддий акцияларга булинган.

Акциядорларнинг устав жамгармасига булган улушлари қуйидагича булган:

№	Акциялар жойлашиши	Акциялар сони (дона)	Улуш (%)	Сумма (м.сум)
1	Давлат активларини бошқариш агентлиги	23 156 572 584	100	23 156 572,6
	<b>Жами:</b>	<b>23 156 572 584</b>	<b>100</b>	<b>23 156 572,6</b>


2020 йил 1 январь ҳолатига акциядорларнинг устав фондига киритиладиган улушлари буйича қарзи булмаган.

**Молиявий ҳисоботлар:**

Аудиторлик текширувига 2020 йил якуни буйича жамиятнинг қуйидаги молиявий ҳисоботлари ва ҳужжатлари тақдим қилинди:

- Бухгалтерия баланси -1 сонли шакл;
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот -2 сонли шакл.
- Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот - 4 сонли шакл.
- Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот - 5 сонли шакл.

Аудиторлик текширувига юқоридаги молиявий ҳисоботлари, иловалар, молиявий ҳужалик фаолиятига боглик дастлабки ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, шунингдек солиқ ва мажбурий тўловлар буйича ҳисоботлар тулик тақдим қилинди ва аудиторлик текширувидан утказилди.



## II. ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ.

### Бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва ички назорат тизими:

Аудиторлар томонидан корхона бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими ҳолатини урта даражада баҳоладик, жумладан:

-бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари 21-БХМС асосидаги ҳисоб варақлар режаси асосида 1-С 8,3 бухгалтерия программасида фойдаланилган ҳолда юритилган. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари тулик компютерлаштирилган.

-харажат ва даромадлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Махсулотлар (иш хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотишда харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида» ги Низоми асосида.

-солиқ ва ажратмаларни ҳисоблаш ва утказиб боришда солиқ кодексига амал килинган.

-харажат ва даромадлар ҳисоб варақлар хар ҳисобот даврида (ой, чорак) епиш ва улар орасидаги фарқ сумма асосида корхона фойдаси еки зарарини аниқлаб бориш йулга куйилган.

-бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тузиш ҳисобчи зиммасида булиб, иш таксимотига узига бириктирилган вазифаси буйича ҳисоб реестрларини юритади, бухгалтерия утказмалари беради ва ҳисоботларни тузади.

-бухгалтерия утказмалари ва реестр маълумотлари уз вақтида расмийлаштирилган, Ҳисобот даври охирига бухгалтерия баланси -1 сонли шакл буйича колдиклар айрим оборот ведомостлар колдик маълумотларига мос келмайди.

-асосий воситалар ва товар моддий захиралар ҳисоби БХМС № 4 ва БХМС №5. асосида юритилган, моддий жавобгар шахслар билан тулик моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган.

-моддий қийматликлар уз вақтида моддий жавобгар шахслар зиммасига кириш килинган ва ойлик ҳисоботлар тузиб борилган.


### **Таъсия:**

-ҳисобот даври охирига бухгалтерия баланси буйича колдиклар оборот ведомостлар колдик маълумотларига мос келишини таъминлансин.

### **Жамиятнинг ижроя органи ва бошқарув қарорларига риоя қилиниши:**

Жамият уз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (06.05.2014й. УРК.-370-сон) ва «Кимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (03.06.2016й. УРК-387) Қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи жамиятнинг бошқарув органларидир.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай утказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер)ни ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг



## АЖ "O'z sanoateksport" аудиторлик ҳисоботи

муддатини узайтириш (агар ушбу ваколат жамият кузатув кенгашига берилмаган бўлса), уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш буйича курилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари куриб чиқилади.

Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яққаболчилик асосидаги ижроия органи бошқарув раиси томонидан амалга оширилади.

Жамиятнинг 2020 йил 26 июнда утказилган №2 умумий йиғилишда 2019 йил молия-ҳужалик фаолияти якуни буйича олинган 2 169 618 847 сум билан яқунлаганлиги сабабли дивиденд тақсимоли 85 фоизи 1 844 176 020,07 сўми (1 дона акцияга 0,937 сўм) давлат активларини бошқариш Агентлигига, 15 фоизи 325 442 827,07 сўми резерв жамғармасига йўналтирилган.

### **Ҳисоб сиёсати.**

Аудиторлик текширувига жамиятнинг 2020 йил учун тузилган ҳисоб сиёсати тақдим қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандарти БХМС N 1 Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий асосда бошқариш тизимининг унсури ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсати ҳужалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган усулларнинг йиғмаси тушунилади, молиявий ҳисобот шу усулларга мувофиқ ва уларнинг қоидалари ва асосларига мувофиқ равишда тузилади. Ҳисоб сиёсати ҳужалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек турли ҳужалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қиёсланишини таъминлаш мақсадида ҳужалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради.

### **Тавсия:**


-Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, БХМС №1 «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот», Солиқ Кодеси ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида ҳисоб сиёсати ишлаб чиқариш ва тадбиқ этиш.

### **Активлар сақланиши.**

Йиллик режали асосий воситалар ва товар моддий захиралар сақланиши ва ортиқ камлиги буйича йиллик режали инвентаризация утказиш ҳақида Жамият бошқарув раисининг 01.12.2020 йилдаги №15-ПР буйруғига асосан жавобгар шахслар зиммасидаги Товар моддий захиралар 2020 йил 31 декабр ҳолатига инвентаризациядан ўтказилган.

Инвентаризация натижасига кўра ортиқча ва қамомадлар аниқланмаган.

**Тавсия этилади:** Товар моддий бойликларни бутлигини сақлаш мақсадида ички назорат тартибини қучайтириш ва доимий мониторинг ишларини олиб бориш.





### **Ички аудит хизмати**

Жамиятда Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ички аудит хизмати ташкил этилган, 2020 йил давомида ички аудит хизматидан фойдаланилмаган. 2021 йилда Кузатув кенгашининг қарори билан ички аудит хизматига 1 та аудитор ишга қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 йилдаги акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги п 223-и қонуни 108-моддасига асосан активларининг баланс қиймати энг кам иш хақи миқдорининг юз минг баробаридан куп булган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тулик ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, ҳужалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

### **Шартномалар тузилиши буйича.**

Жамият томонидан ҳужалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар буюртмаси асосида ишлар бажарилган ва талаблар асосида маҳсулотлар етказиб берилган. Олди сотти муомилалари 2 томон уртасида тузилган шартнома асосида бажарилиб келинган. Тузилган шартномалар йиллик муддатларга тузилган.

Ушбу муомилалар буйича шартномалар юридик шахслар билан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролик кодекси" ва 29.08.1998 й.№ 670-І «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида тузилиши қурилганда қуйидагилар аниқланди:

Шартномаларда ҳисоб-китоб қилиш тартиби, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари еритилган, шартномаларни руйхатга олиш дафтари юритилган.

Шартномалар тузилиши белгиланган юқоридаги меъёрий ҳужжатлар талабига мос қилиши урганганда шартномаларда «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун 21 моддасига мувофиқ шартномалар юрист имзолари билан тулик тасдиқланган. Жамиятда юридик бўлими бошлиғи Рахимов Зафар ишлаб келмоқда. Юридик бўлим томонидан шартномалар имзолаб келинган.


### **Кадрлар бўлими:**

Жамиятда 2020 йил бошига 27 нафар ишчи ходимлар меҳнат қилиб келган. Шундан 19 нафар бошқарув аъзолари, ўриндошлик билан ишлаган ходимлар мавжуд бўлмаган. 2020 йил давомида 7 та ходим ишга қабул қилинган, ва 8 та ходим ишдан бушатишган.

Кадрлар бўлими бошлиғи вазифасида Тўйчиев Ш.Х ишлаб келмоқда.

2021 йил 01 январ ҳолатига 26 нафар ишчи ходим меҳнат қилади.

Жамиятда руйхатда турган барча ишловчилар билан меҳнат шартномаси тузилган. Моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган. Ички меҳнат тартиби ва касб йуриқномалари мавжуд. Меҳнат дафтарчалари тулдирилган ва



## АЖ "O'z sanoateksport" аудиторлик ҳисоботи

сейфда сақланади. ШЖБПФ дафтарчалари мавжуд. Буйруқлар қайдномаси буйича дафтар юритилган. Ходимларни ишга қабул қилиш, бушатиш ва бошқа узғаришлари буйича буйруқлар алоҳида папкада сақлаб келинган.

Ходимларнинг шахсий варақлари мавжуд бўлиб, тегишли ҳужжатлар шахсий карточкалар, буйруқлар, ариза, паспорт нусхаси, маълумоти ҳақидаги ҳужжатлар нусхалари ва бошқа тегишли ҳужжатлар илова қилинган. 2020 йил учун 12.01.2020 йилда тасдиқланган меҳнат таътили графиги мавжуд.

Жамиятда меҳнат жамоаси номидан касаба уюшмаси раиси ва иш берувчи номидан жамият бошқарув раиси ўртасида 2020-2021 йиллар учун "Жамоа шартномаси" имзоланган. Ушбу жамоа шартномасида иш берувчи билан ходимлар ўртасида меҳнатига ҳақ тўлаш, муқофотлаш, қушимча тўловларни тўлаш тартиблари қайд қилинган.

### **Асосий воситалар ва бошқа узок муддатли активлар ҳисоби.**

Жамиятда асосий воситалар таркибига БХМС №5га асосан хизмат муддати бир йилдан ортиқ ва қиймати сотиб олиш (қирим қилиниши) даврига эллик минимал ойлик миқдоридан ортиқ бўлган моддий қийматликлар киритилган. Жамият ҳисоб сиёсатида асосий воситаларнинг энг кам миқдори асосий воситаларнинг сотиб олинган вақтида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан ортиқ бўлган асосий воситалар киритилиши белгилаб қўйилган. Лекин жамият асосий воситалар таркибида харид пайтида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлган асосий воситалар мавжуд.

Корхонада ҳисоб сиёсатида амортизация Солиқ Кодекси 306 моддаси ҳисоблаш белгиланган.


2020 йилда 210638,7 минг сўмлик асосий воситалар қирим қилинган, 11709,7 минг сўмга қайта баҳоланган.

Жамиятда 2020 йил давомида бошланғич баҳоси 12340,5 минг сўмлик асосий воситалари (автомашиналар Нексия Сонс, Ласетти, Нексия Донс, Эпика) сотилганлиги сабабли ҳисобдан чиқарилган. Ласетти автомашинаси Туляганов Илхомжон Икрамовичга 55000 минг сўмга сотилиб, сотиш натижасида 47639,6 минг сўм, Нексия Донс 2 автомашинаси Муталов Аброр Қуалахмедовичга 34750,0 минг сўмга сотилиб, сотиш натижасида 11272,2 минг сўм, Эпика автомашинаси Муслимов Р.Дга 53300 минг сўмга сотилиб, сотиш натижасида 46347,8,6 минг сўм, Нексия Сонс автомашинаси Мухамедов Ислам Усмановичга 32750 минг сўмга сотилиб, сотиш натижасида 28478,3 минг сўм, жами асосий воситалар сотиш натижасида 148273,6 минг сўм фойда олинган.

Асосий воситалар қирим қилиниши ёки ҳисобдан чиқариш ҳолатларида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган ва бухгалтерия проводкалари бериб борилган.

5-сон БХМСга асосан асосий воситалар қиймати амортизацияни ҳисоблаш йули билан сундирилади. Амортизацияланадиган қиймат бутун фойдали хизмат муддати мобайнида субъект харажатларига амортизация ажратмалари қуринишида мунтазам тақсимланади.

Асосий воситалар объекти буйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тулик сундирилгунга қадар ёхуд бу объектни балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади. Жамият томонидан асосий воситаларга тўғри чизикли ҳисоблаш усули билан белгиланган норма миқдорида амортизация ҳисобланган.



**АЖ "O'z sanoateksport" аудиторлик ҳисоботи**

Шунингдек асосий фондларни 1 январь ҳолатига қайта баҳолашни утказиш тартиби тўғрисидаги Низом асосида (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 4 декабрдаги 1192-сон билан руйхатга олинган) асосий воситаларни қайта баҳолашни текширишдан утказилганда аниқланишича 0100 "Асосий воситалар" смети буйича жами 11 709,0 минг сум, 0200 "Асосий воситалар эскириши" ҳисоби буйича 6390,0 минг сум қайта баҳолаш амалга оширилган.

Асосий воситалар ҳаракати қуйидагича бўлган.

		01.01.2020 й га қолдиқ (қайта баҳолашда н олдин)	Кирим қилинди	Қайта баҳолаш ди	ҳисобда н чиқарил ди	31.12.20 й- га қолдиқ
0120	Бино, иншоот ва узатиш мосламалари					
0130	Машина ва ускуналар					
0140	Мебель ва офис жихозлари	45 155,2	8 512,6	3 687,2		12 199,8
0150	Компьютер жихозлари ва компьютер техникаси	157 069,3				157 069,3
0160	Транспорт воситалари	250 700,9	202 126	8 022,4	12 340,5	448 508,9
	<b>Жами</b>	<b>452 925,4</b>	<b>210 639,7</b>	<b>11 709,6</b>	<b>12 340,5</b>	<b>662 933,2</b>

Солиқ тўловчининг шахсий эҳтиёжлари учун фойдаланишга мўлжалланган, Солиқ Кодекснинг 317-моддасига мувофиқ фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда харажатлар чегириб ташланмайдиган товарлар (хизматлар) сотиб олинганда, солиқ тўловчи товарларни (хизматларни) сотиб олиш чоғида тўлаган солиқ суммалари қуйидаги товарларни (хизматларни) сотиб олиш ёки олиб кириш чоғида ҳам, агар бу товарларни (хизматларни) сотиб олиш амалга ошириладиган фаолият турига боғлиқ бўлмаса, ҳисобга олинмайди:

- 1) енгил автомобилларни, мотоциклларни, вертолётларни, моторли қайиқларни, самолётларни, шунингдек моторли воситаларнинг бошқа турларини ва улар учун ёқилғини;
- 2) алкоголь ва тамаки маҳсулотларини.

Корхона томонидан 2020 йилда 2 дона умумий қиймати 201055652,00 сўм бўлган автомобиль LACETTI L-COMFORT PLUS сотиб олган ва 30158348,00 сўм ҚҚС ҳисобга олинган. Ушбу автомобилни агар маъмурий ходимлар учун ишлатиш режалаштирилган ва ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаса у ҳолда ҚҚС ҳисобга олинмаслиги ва унга сарфланган ёқилғи ҚҚСи ҳам ҳисобга олинмаслиги ва олинган маҳсулотлар таннархи таркибига киритилиши лозим бўлади.

Асосий воситалар сакланиши ва ишлатилиши буйича моддий жавобгар шахсларга бириктирилган булиб, тегишли ҳисоботлар юритилади.

**Номоддий активлар ҳисоби аудити.**

Корхонада номоддий активларни аудиторлик текширувидан ўтказишда ЎЗР «Солиқ кодекси», Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 25 мартдаги 35-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти "Номоддий активлар" (7-сон БҲМС), БҲМС №19 «Инвентаризацияни ташкиллаштириш ва ўтказиш», ва номоддий активлар ҳисобини тартибга солувчи бошқа меърий ҳужжатлар асос қилиб олинди.



**АЖ "O'zsanoateksport" аудиторлик ҳисоботи**

Бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра ҳисобот йили бошига ва йил охирига корхона балансида номоддий активлар мавжуд бўлмаган.

**Узоқ муддатли инвестициялар.**

Бошқа жамиятларнинг қимматли қоғозларига, мамлакат ҳудудида ва хорижда тузилган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва бошқа корхоналарнинг устав капиталларига қилинган узоқ муддатли инвестициялар (кўйилмалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш кўйидаги сўҳтларда амалга оширилади:

- 0610 "Қимматли қоғозлар";
- 0620 "Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар";
- 0630 "Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар";
- 0640 "Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар";
- 0690 "Бошқа узоқ муддатли инвестициялар".

Корхонада узоқ муддатли инвестициялар кўйидагилардан иборат:

Қарз олинганган корхоналар номи	01.01.2020 йилга қолдиқ	Айланма		31.12.2020 йилга қолдиқ
	Дебет	Дебет	Кредит	Дебет
<b>0610</b>	<b>31 648 605,2</b>			<b>31 648 605,2</b>
Markazsanoateksport АЖ	14 664 540,0			14 664 540,0
"Uzprommashimpeks" АЖ	16 984 065,0			16 984 065,0
<b>0640</b>	<b>5386,5</b>			<b>5386,5</b>
MSE OVERSEAS PTE LTD	5386,5			5386,5
<b>Жами</b>	<b>31 653 991,7</b>			<b>31 653 991,7</b>

Жамият 0610 сўҳтида «Uzprommashimpeks» ва «Markazsanoateksport» АЖ томонидан Давлат улушлари буйича «O'zsanoateksport» АЖ устав капиталига киритилган улушлар акс эттирилган. «Markazsanoateksport» АЖ билан Қўшилиш шартномаси имзоланган ва «Uzprommashimpeks» АЖ билан Қўшилиш шартномаси имзоланмаган ва «Markazsanoateksport» АЖ якуний баланс ҳисоботларни тайёрланмаган ва барча баланс сатрлари буйича активлар ва мажбуриятларни «O'zsanoateksport» АЖга топширилмаган, Uzprommashimpeks» ва «Markazsanoateksport» АЖ якуний баланс ҳисоботларни тайёрлаш ва барча баланс сатрлари буйича активлар ва мажбуриятларни «O'zsanoateksport» АЖга топшириш юзасидан топшириш - қабул қилиш Дололатномаларини «Uzprommashimpeks» ва «O'zsanoateksport» АЖ ҳамда «Markazsanoateksport» АЖ «O'zsanoateksport» АЖ Қўшма мажлисларида тасдиқлаш.

«O'zsanoateksport» АЖ устав капитали «Uzprommashimpeks» ва «Markazsanoateksport» АЖ соф активлари қиймати (хусусий капитали миқдори)дан кам бўлмаслигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тузилмасини мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2463 қарори ва

**АЖ "O'zsanoateksport" аудиторлик ҳисоботи**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.04.2016 йилдаги №125 сонли қарорини тўлиқ таъминлаш тавсия этилади.

0640 счётида MSE OVERSEAS PTE LTD корхонасига киритилган 5386,5 минг сўмлик улушлар киритилганлиги кўрсатилган бўлсада, ушбу корхонани молиявий ҳисоботлари ва молиявий ҳолати тўғрисида корхонада маълумотлар мавжуд эмас. 2019 йил якуни бўйича дивиденд тарзидаги даромадлар олинмаган.

**Тавсия этилади:**

Жамиятнинг кимматли қоғозлар бўйича мутахассисига киритилган инвестиция бўйича инвестиция Жамиятдан йил якуни бўйича даромадлар таксимоти тўғрисидаги баённомани ҳамда олинадиган дивидендлар тўғрисида маълумотнома олиш, молиявий натижаларни шакллантиришда олинадиган дивидентларни даромадлар таркибига киритиш, MSE OVERSEAS PTE LTD киритилган 5386,5 сўм бўйича аниқлик киритиш чораларни куриш тавсия этилади.

**Капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар**

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби 21-сонли БХМСга асосан, Жамиятнинг асосий воситаларга инвестициялар ташкил қилиш бўйича харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0810 "Тугалланмаган қурилиш";

0820 "Асосий воситаларни харид қилиш";

Асосий воситалар хариди бўйича 01.01.2020 йилга қолдиқ бўлмаган ҳолда 2020 йилда 210638,7 минг сўмлик асосий воситалар кирими амалга оширилиб 210638,7 минг минг сўм асосий воситалар таркибига киритилган. Йил охирига қолдиқ мавжуд бўлмаган.

№ сч.	Счётлар номи	01.01.20 й.га қолдиқ	01.01.21 й-га қолдиқ
0810	Тугалланмаган капитал қурилиш	0,0	0,0
0820	Асосий воситалар хариди	0,0	0,0
	<b>Жами</b>	<b>0,0</b>	<b>0,0</b>


**Товар моддий захиралар ҳисоби.**

Жамиятда материаллар таркибига БХМС №4га асосан сотиб олиш (кирим қилиниши) даврига эллик минимал ойлик миқдоридан кам булган ва қиймати харажатлар таркибига тулик киритиладиган моддий қийматликлар киритилган.

01.01.2020 йил ҳолатига ишлаб чиқариш захиралари қолдиги 75 081 776 минг сумни ташкил қилган.

Жамиятда материал ва бошка моддий қийматликлар ҳисоби субсчётлар бўйича кирим чикимлари ҳисоботга илова қилиш оркали олиб борилган.

Кирим қилинган материаллар оморга тулик счёт фактура қийматида ККС сиз кирим қилинган. Ишлаб чиқаришга ва давр харажатларига чиқарилган қийматликлар далолатномалар асосида харажат қилинган.



**АЖ "O'zsanoateksport" аудиторлик хисоботи**

Жамиятда моддий жавобгар шахслар томонидан хар ойда материаллар сони ва қиймати буйича колдигини тасдиқловчи ТМЗлар ҳаракати кайдномаси тузиб борилган. 2019 йил 1 январ ҳолатига барча моддий жавобгар шахслар зиммасида булган ТМЗ колдиклари буйича йигма ҳисоботлар тайёрланган. Балансдаги ТМЗ колдиклари № 10 журнал-ордер маълумотлари асосида киритилган.

Материаллар колдиклари таҳлил килинганда ишдан бушаган моддий жавобгарлар зиммасида колдик мавжуд.

Жамият томонидан тузилган молиявий ҳисоботнинг 1 шакли- «Бухгалтерия баланси» ва бухгалтерияда юритилган Бош китоб маълумотларига кўра 2020 йил 1 январ ва 2020 йил 31 декабр ҳолатига мавжуд товар моддий қийматликлар захиралари қолдиклари қуйидагиларни ташкил этган:

№ сч.	Счётлар номи	01.01.20 й-га қолдиқ	Айланма		01.01.21 йилга қолдиқ
			Кирим	Чиқим	
1010	Хом ашё ва материаллар				
1030	Ёқилғи	680,3	59 118,0	59 094,3	704,0
1080	Инвентар ва хўжалик жихозлари	1 424,2	3 150,1	4 193,1	381,2
1090	Бошқа материаллар	1 469,6	38 569,5	38 329,5	1 709,6
<b>X</b>	<b>Жами 1000 ҳисоб:</b>	<b>3 574,1</b>	<b>100 837,6</b>	<b>101 616,9</b>	<b>2 794,8</b>
1510	Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олувчи счёт		55 043,5	55 043,5	
1520	Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счёт		223 399,9	55 043,5	168 356,4
	Хаммаси	3 574,1	379 281,0	211 703,9	171 151,2
	Балансда	3 574,0			171 151,0

Жамият баланси 150 сатрида 171151,0 минг сўм Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счёт қолдиқлар акс этган.

Жамиятда импорт қилинган товар моддий бойликлар БЮД (ГТД) божхона юк декларацияси асосида ўша санада киримга олинган. Транспорт харажатлари ишлаб сотиладиган товарларга нисбатан пропорционал равишда тақсимлаб борилган. Бу эса хорижий корхоналар билан валюта курс фарқлари жамғариб бориш усулида ҳисобга олинганлигини билдиради.

Хорижий корхоналар билан тузилган шартномаларда мулк ҳуқуқи қайси пайтда юк олувчи Харидор зиммасига ўтиши аниқ кўрсатилган. (Инкотремс 2010 га асосан FOB, FAS ҳолатларида мулк ҳуқуқи хорижий давлат ҳудудида харидорга ўтган ҳисобланади).

Жамиятда импорт товарларни омборга кирим қилишда контрактларда кўрсатилган муддатларда товарлар буйича фарқларни аниқлаб борилмаган.

Товар қийматига киритиладиган қўшимча харажатлар ҳисоб-китоби, шунингдек валюталар курсини ҳисобга олган ҳолда товарлар қийматининг қайта ҳисоб-китоби божхона юк декларацияси асосида амалга оширилади.

## АЖ "O'z sanoateksport" аудиторлик ҳисоботи

Бухгалтерия ҳисобида товарга бўлган мулк ҳуқуқи ўтганлигини, шунингдек товар қийматини тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар асосида товарлар ҳисобга қабул қилинади.

Жамият раҳбариятига бухгалтерия ҳисобида товарлар инвойсида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ акс эттирилиши, ҳар бир шартнома бўйича курс фарқлари алоҳида ҳисобга олиб борилиши этиш тавсия этилади. Жамиятда импорт ва экспорт контрактлари бўйича ҳар ойда бухгалтерия қолдиқлари билан солиштириб бориш, курс фарқларини назорат қилиш, фарқ аниқланган ҳолатларда ўз вақтида бартараф этиш, ички назорат тизимини кучайтириш тавсия этилади.

### **Ишонч коғозлари.**

Жамиятда ишонч коғозлари билан ишлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 7 майдаги 62-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Товар моддий бойликларини олишга ишончномалар бериш ва уларни расмийлаштириш тартиби" тўғрисидаги низом талаблари бажарилиши текширилганда қуйидагилар аниқланди:

Жамиятда 2020 йил учун ишонч коғозларини ҳисобини юритиш учун махсус дафтар очилган. Дафтар варақлари номерланиб, шнурланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган. Раҳбарият томонидан имзоланган. Дафтар бўйича 2020 йилда 51 донга ишонч коғозлари берилганлиги руйхатга олинган.

Ҳар бир ишонч коғози кимга берилгани махсулот ва материал келтирилгани ёки бекор қилинганлиги белгилаб берилган. 2020 йил давомида жами 51 донга ишонч коғози берилган, 51 таси бўйича келтирилган махсулот ва материаллар кимга олинганлиги белгиланган.

### **Келгуси давр харажатлари ҳисоби**

БХМС 21 га асосан ушбу ҳисобот даврида амалга оширилган, аммо жорий қисми бўйича келгуси ҳисобот даврларига тааллуқли булган харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

3110 "Олдиндан туланган оператив ижара хақи";

3120 "Олдиндан туланган хизмат хақи";

3190 "Бошка келгуси давр харажатлари".

Ушбу счётларда қуйидагилар билан боғлиқ булган харажатлар акс эттирилиши мумкин:

-матбуотнинг даврий нашрларига йиллик обунанинг жами суммасини олдиндан тўлаш;

-мулкнинг йиллик суғуртасини тўлаш;

-келгуси даврлар учун оператив ижара тўлови бадаллари ва келгусида таннархга киритилиши мумкин булган бошка харажатлар.

Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (3100) бўйича аналитик ҳисоб счётлар, харажат моддалари ва объектлари (йуналишлари) бўйича юритилади

Келгуси давр харажатларини жорий харажатларга ҳисобдан чиқариш урнатилган муддат давомида ишлаб чиқариш таннархига мутаносиб равишда тақсимлаш орқали амалга оширилади.

Жамиятда 2020 йил 1 январь ҳолатига баланс бўйича келгуси давр харажатлари -3120 ҳисоби бўйича 823,1 минг сум, 2020 йил 1 январь ҳолатига 650,7 минг сум қолдиқ курсатилган бўлиб, бу биржа савдосида қатнашиш учун тўланган комисион тўловларни ташкил этган.



**Тавсия:**

-Келгуси давр харажатлари ҳисобини бухгалтерия ҳисоби миллий стандарт №21 га асосан аналитик ҳисоб счётлар, харажат моддалари буйича юритилишини таъминлаш.

**3200 Кечиктирилган харажатлар счёти аудити.**

Ушбу счётда 3230 экспорт-импорт контрактлар буйича курс фарқи харажатлари ҳисоби олиб борилган, 3290 счётида контрактлар буйича йиғилган банк харажатлари ҳисоби олиб борилган ва 43,52,60,63 ҳисобларга олиб борилган, лекин ушбу счётда ҳар бир контрагент ва контракт учун йиғилган курс фарқлари ҳисобга олинмаган, балки умумий тартибда акс эттирилган. Жамият ҳисоб сиёсатида курс фарқлари 2 хил усулда ҳисобдан чиқарилиши кўрсатилган бўлиб 1-чи усулда ўзининг маблағлари даромадлар 9540 ва харажатлар 9620 счётида; 2-чи усулда даромад ва харажатлар 3220 ва 3711 сётларда ва тегишли контрагентлар ҳисоб рақамида акс эттирилиши белгиланган. Асосий йиғилган курс фарқлари буюртмачилар ҳисобига олиб борилган бўлиб 3064932,0 минг сўми жамият ўзининг харажатлар таркиби (9620) счётига олиб борилган. 2020 йил 1 январ ҳолатига баланснинг 200 сатри Кечиктирилган харажатлар (3200) счётида 37 693 253,0 минг сўм ва йил охирига 35 472 326,0 минг сўм қолдиқ борлиги кўрсатилган, контрактлар буйича йиғилган харажатлар алоҳида акс эттириб борилмаган.

**Тавсия этилади:** Ҳар бир контракт буйича алоҳида курс фарқлари ҳисобини юритиш, контрактлар ёпилган тақдирда белгиланган тартибда ҳисоб сиёсатида белгиланган счётлар буйича харажатларга чиқариш тасия этилади.

**Дебитор қарзлар ҳисоби.**


Ушбу булимнинг счётлари қуйидагилар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган:

- харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар;
- турли юридик ва жисмоний шахсларга берилган бунақлар;
- ходимлар, таъсисчилар ва турли дебиторларнинг қарзлари.

Корхона бухгалтерияси маълумотлари буйича давр бошига ҳамда охирига дебиторлик қарзлари қуйидагича булган:

( минг сум )

Счет	Мазмуни	01.01.2020й	31.12.2020й
4000	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар	130 335 893	12 828 833
4200	Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар		1 970
4300	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунақлар	41 377 547	305 462 427
4400	Бюджетга бунақ тўловлари	1 100 673	705 876
4500	Мақсадли давлат жамгармаларига ва сугурталар буйича бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар	616	616





**АЖ "O'zsanoateksport" аудиторлик ҳисоботи**

4700	Ходимларнинг бошка операциялар буйича қарзи	37 538	52 179
4800	Турли дебитор қарзлар	40 972 261	41 421 378
	Жами	213 824 528	360 473 279
	Балансда	213 856 814	360 473 279

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хужалиги корхоналарида дебиторлик ва кредиторлик қарзлар уз вақтида ҳисоб китоб килиниши учун корхона, ташкилот раҳбарларининг ва бош ҳисобчиларнинг масъулиятини ошириш борасидаги чора тадбирлар тўғрисида»ги 1995 йил 12 май 1154 – сонли фармони талабларини бажарилиши текширилганда тўлов муддати утган дебитор қарзлар мавжуд бўлиб, йил бошига нисбатан жами жорий дебиторлик қарзлар камайган. Жамият дебиторлик қарзлари таҳлил қилинганда муддати ўтган дебиторлик қарзлар бўйича фақат 1 та ҳолатда 239846,9 минг сўм қарздорликни ундириш бўйича Иқтисодий Судлари даъво аризалар киритилган.

Қуйидаги муддати ўтган дебиторлар тўловларни бўйича чора-тадбирлар кўриш тавсия этилади:

Мазмуни	Суммаси	ИЗОХ
KURGAN TEX	2 132	3 ойдан ортик
GREAT COTTON EXPORT	2 313 757	3 ойдан ортик
SOHIB OMAD BARAKASI	1 268 270	3 ойдан ортик
UzAuto Motors	11 279	3 ойдан ортик
YOUSANG TEX	6 111 495	3 ойдан ортик
REAL TEKS QORAKO'L (QORAKO'L ASAKA TEKSTIL OOO )	1 415 726	3 ойдан ортик
BIZNESIMPORTIYOR	4 345 067	3 ойдан ортик
Uztadbirkoreksport	3 065 589	1 йилдан ортик
Uzprommashimpeks	721 537	1 йилдан ортик

Navoi Mevazorlari Tuxfasi USE-16/2 от 02.06.2016 й 35000,0 минг сум қисқа муддатли қарзлар берилган бўлиб 2020 йилда ўз вақтида қайтарилмаган 24550,0 сўмни ундириш мақсадида Иқтисодий Судга даъво аризалари киритилган ва қарор чиқарилган, ҳозирда тўланмаганлиги сабабли 4860 счётига ўтказилган.

**Тавсия:**

-ҳисобот даври яқунлари буйича барча юридик дебиторлик ва кредиторлик қарзлар буйича узаро солиштирма далолатномалар тузиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни инвентаризация килиш оркали аниқлаштириш, тегишли проводкалар берилгандан сунг, бухгалтерия бош китоб маълумотлари ва счётлар буйича оборот сальдо ведомости маълумотлари буйича баланс ҳисоботларини тулдирини, баланс ҳисоботи курсаткичлари билан бухгалтерия учёти маълумотлари уртасида фарқ булишига йул куймаслик тавсия этилади.

-Тўлов муддати 90 кундан утиб кетган дебиторлар билан узаро солиштирма далолатномалар тузиш ва уларни конунчиликда белгиланган тартибда хужалик судларига бериб, суд қарори оркали ундириш чораларини куриш тавсия этилади.

**Банк оркали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар.**

«O'zsanoateksport» ЦОУ АТБ «Турон Банк» қуйидаги ҳисоб ракамларини очган:

-2021 0000 2005 0758 8001 сонли асосий ҳисоб раками ва бошка махсус транш ҳисоб ракамлари билан фаолият курсатиб келаётган.

Банк оркали ҳисоб китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 27 июн куни тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 8 октябр куни № 496-ракам билан руйхат олинган. "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб китоблар тўғрисида" ги Низом асосида олиб борилганлиги тахлил этилганда қуйидагилар аниқланди. Жамиятнинг банкдаги жорий ва махсус ҳисоб-ракамлари буйича банк кучирмалари № 2 журнал ордерда юритилган. Аудиторлик текшируви давомида асосий жорий ҳисоб-раками ва бошка махсус ҳисоб ракамлари буйича кирим-чикимларини тахлил қилинди.

Қуйидаги жадвалда жамиятнинг асосий жорий ҳисоб-раками ва бошка махсус ҳисоб ракамлари буйича кирим чиким тахлили келтирилади:

**минг сум**

Счет №	Номи	01.01.2020й колдик	01.01.2021й колдик
5110	Асосий ҳисоб раками	154 497 560,8	131 887 709,4
5200	Валюта ҳисоб рақамлари	69 852 832,7	18 705 642,8
5500	Бошка махсус ҳисоб ракамларида	1 799 411,3	3 186,8
	<b>Жами</b>	<b>226 149 804,8</b>	<b>150 596 539,0</b>

Жамиятнинг баланс курсаткичи маълумотларини банк кучирмалари буйича бухгалтерия маълумотларига солиштириб қурилганда фарқлар аниқланмади.

**Кредитор қарзлар ҳисоби.**

Жамиятнинг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган 6000-6900 "жорий мажбуриятлар" ҳисобларида юритилган.

Корхона бухгалтерияси маълумотлари буйича давр бошига ҳамда охирига кредиторлик қарзлари қуйидагича булган:

**( минг сум )**

Счет	Мазмуни	01.01.2020й	31.12.2020й
6000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счетлар	74 245 025	1 689 441
6100	Ажратилган булинмаларга қарз		
6200	Кечиктирилган қарзлар		
6300	Олинган аванслар	167 062 160	229 909 222
6400	Бюджетга тўловлар буйича қарзларни ҳисобга олувчи счетлар	0	
6500	Сугурта ва мақсадли давлат жамгармаларига тўловлар буйича қарзларни ҳисобга олувчи	70 576,6	46 862,4

**АЖ "O'zsanoatekспорт" аудиторлик ҳисоботи**

	сметлар		
6600	Таъсисчиларга булган қарзлар		
6700	Меҳнат хаки буйича ходимлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи сметлар	63 690,3	793,6
6810	Қисқа муддатли банк кредитлари	1 400 000	2 000 000
6820	Қисқа муддатли қарзлар		
6950	Узоқ муддатли қарзларни жорий қисми		
6900	Турли кредиторларга булган қарзларни ҳисобга олувчи сметлар	6 785 648	76 136 633
	<b>Жами</b>	249 627 080	309 782 952
	<b>Баланс курсатгичи бўйича</b>	249 661 010	309 782 952

Кредиторлик қарзларни тўланиши таҳлил килинганда 2020 ҳисобот йили давомида йил бошига нисбатан жорий қарзлар 60 121 942 минг сумга кўпайган.

**Тавсия:**

-кредиторлик қарзларни дастлабки ҳужжатлар ва солиштирма далолатномалар билан тасдиқлаш, қарзларни тўлов муддатини утказмаслик чора тадбирларини куриш тавсия этилади.

**Меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш ҳисоби.**

Жамиятда ходимларга ҳисобланган асосий иш хаки, кушимчалар, мукофот, пособия ва бошка ҳисоблашишлар 6710 «Меҳнат хаки буйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ҳисобида амалга оширилган.



Жамиятнинг 31.12.2019 йил ҳолатига ходимлардан иш хаки ва бошка ҳисоблашлардан 2 114 319,4 минг сум кредитор қарзи булган ҳолда, 2019 йил давомида жами ҳисобланган иш хаки ва бошка ҳисоблашишлар 45 896 743,3 минг сумни ташкил этган, шундан Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддаси 45 502 817,8 минг сумни ташкил қилган. Жамиятда ходимларнинг ҳафталик иш кунлари 5 иш кун белгиланган, ҳисоблашишлар асосий иш хаки, кушимчалар, мукофотларга ва жисмоний шахларнинг бошка даромадларига тўғри келган.

Ходимларга ҳисобланган иш хакилар вақтбай асосида ҳисобланган. Ҳисобланган иш хакилар штат жадвали ва табеллар асосида булиб, иш хаки ва бошка ҳисоблашлар ва ушланмалар ҳисобланиши тулик компютерлаштирилган.

Отпуска ҳисоблаш буйича ҳисоб китоблар уртача иш хакини ҳисоблаш тартиби буйича амалга ошириб келинган. (Илова № 6 к Уз.Респ ВМ 11.03,1997 йилдагиN 133 қарори).

Қасаллик варақалари буйича ҳисоб китоблар Давлат ижтимоий нафақаларни ҳисоблаш ва бериш тартиби буйича йуриқномага асосан амалга ошириб келинган. (№1136 рег. 08.05.2002г.)

Йил бошига қолдик		63 690 318,86
	Ҳисобланган тўловлар	
1	Асосий иш хаки	820 423 536,99
2	кушимча	367 577 653,44
3	Шартнома бўйича	20 590 476,00
4	Байрам ва дам олиш кунлари учун тўлов	2 983 060,96

**АЖ "O'z sanoateksport" аудиторлик ҳисоботи**

5	Кузатув кенгаши аъзоларига тўлов	29 673 134,40
6	мукофот давлат байрами	44 409 024,86
7	Қўшимча вазифада ишлаганлик учун тўлов	9 269 216,84
8	бир марталик бошка мукофотлар	671 326 763,80
9	меҳнат таътили	104 776 303,54
10	меҳнат таътилига қўшимча	77 102 036,17
11	йул хаки	56 014 065,32
12	овкат пули	356 435 292,00
13	Хизмат сафари меёрдан ортиқ	1 298 000,00
14	Моддий ёрдам даволаниш учун	199 359 689,97
15	<b>Жами 371 модда</b>	<b>2 761 238 254,29</b>
16	Моддий ёрдам 12 МРЗП	160 227 270,00
17	Пенсия 50 %	25 483 097,32
18	Совғалар	6 700 000,00
19	2 ёшгача болалар тарбияси учун нафақа	129 483,87
20	Касаллик варақа	32 975 509,94
21	Моддий ёрдам дафн маросими учун	16 983 250,00
22	<b>Жами 378 модда</b>	<b>242 498 611,13</b>
23	<b>Ҳаммаси</b>	<b>3 003 736 865,42</b>

Ходимларни иш ҳақидан йил охирига 793.6 минг сўм кредитор қарзлари қолган.

**Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб китоб аудити.**

Корхонада хизмат сафари учун тўловлар жамият бошқарув раиси буйруғига асосан хизмат сафарига юборилган ходимлар томонидан тақдим этилган аванс ҳисоботлари асосида ҳисобга олиб борилган. Хизмат сафарида ва йўлда бўлган вақт учун суткалик харажатлар хизмат сафарига юборилган ишларга корхонанинг тасдиқланган жамоа шартномасининг 6.10 бандига асосан Ўз.Р белгиланган энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида суткалик харажатлар тўлаб бориш белгиланган.

Меёрдан ортиқча харажатлар ходимлар даромадига киритилиб даромад солиғи ушлаб қолинган.

**Асосий фаолиятнинг даромадлари.**


Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва курсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9010 "Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар";

9020 "Товарларни сотишдан даромадлар";

9020 "Товарларни сотишдан даромадлар" счётларининг кредитида корхонанинг асосий фаолияти (товарларни сотиш)дан даромадлар олинган счётлар ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Тайёр маҳсулотни сотишдан даромадлар счётларида сотишдан тушган соф тушум суммаси акс эттирилади ва ҳисобот даврининг охирида 9910 "Якуний молиявий натижа" счёти билан ёпилади.



**АЖ "O'zsanoateksport" аудиторлик ҳисоботи**

Ҳисобот даври - 2020 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботнинг 2 шакли- "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" нинг 010 сатрида асосий фаолият даромадлари минг сўм кўрсатилган.

Аудит текшируви натижаларига асосан корхонанинг асосий фаолият даромадлари таркиби қуйидагича бўлган:

Минг сўм ҳисобида

Счётлар	Даромадларнинг турлари	Ҳисоботда	Аудитда	Фарқи
9000	Жами асосий фаолият даромадлари:	46 482 970,3	46 482 970,3	
9020	Товарлар сотишдан даромад	43 948 592,0	43 948 592,0	
	Бажарилган иш, хизматлар сотишдан даромад; шу жумладан:			
	Қурилиш материаллари экспортдан комиссия даромад	2 534 378,3	2 534 378,3	
90.30.2	Маркетинг булими экспорт бўйича комиссия даромад	1 417 157,4	1 417 157,4	
90.30.4,	Импорт шартномалар бўйича комиссия даромад	10 198,3	10 198,3	
90.30.5,	Жами	1 107 022,6	1 107 022,6	
		46 482 970,3	46 482 970,3	

2020 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботнинг 2- шакли "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" нинг ҳисобот даври 010 сатрида кўрсатилган асосий фаолият даромадлари аудит текширувида 46 482 970,0 минг сўмдан иборат бўлди.

**Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари.**

Корхонанинг 2020 йил давомидаги асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари қуйидагича булган:

м.сум

Счетлар	Даромадлар	Ҳисоботда	Аудитда	Фарқи
9310	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда	148 273,6	148 273,6	
9340	Утган йиллар фойдаси	333,5	333,5	
9360	Мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан	20,1	20,1	
9390	Бошқа операцион даромадлар	269 095,8	269 095,8	
	Жами	417 723,0	417 723,0	

"Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" нинг 090 сатрида молиявий фаолиятнинг даромадлари 417 723,0 минг сўм кўрсатилган.



**Молиявий фаолият даромадлари.**

Корхонада молиявий фаолият даромадлари ҳисоби Ўзбекистон Республикаси 21 сон БҲМСда белгиланган 9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар” ва 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари” счетларида юритилган.

Корхона бўйича ҳисобот даври якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботнинг 2 шакли- “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” нинг 110 сатрида молиявий фаолиятнинг даромадлари 15 198 868,0 минг сўм кўрсатилган.

Молиявий фаолият даромадлари бўйича маълумотлари қуйидаги жадвалда акс эттирилган:

		минг сўм		
Счетлар	Даромадларнинг турлари	Ҳисоботда	Аудитда	Фарқи
	Молиявий фаолият даромадлари			
9520	Дивиденд тарзидаги даромад	624 924,7	624 924,7	
9530	Фоиз тарзидаги даромадлар	13 976 467,0	13 976 467,0	
9540	Валюта курси ижобий фарқи	597 481,5	597 481,5	
9590	Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари			
	<b>Жами</b>	<b>15 198 873,2</b>	<b>15 198 873,2</b>	

Аудит текширувида асосий фаолият даромадлари бўйича расмийлаштирилган бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ҳажмининг кўплиги сабабли танлов асосида корxonанинг бўлимлари томонидан бажарилган ишларга расмийлаштирилган топшириш -қабул қилиш далолатномалари ва улар асосида расмийлаштирилган ҳисобварақ- фактуралар танлов асосида текширилди.

Текширишда бажарилган ишлар ҳажмига расмийлаштирилган топшириш- қабул қилиш далолатномалари корхона директори, бўлим бошлиғи ва бажарувчи масъул шахс томонидан имзоланиб корxonанинг юмолоқ муҳри билан тасдиқланганлиги, иккинчи томондан бажарилган ишларни қабул қилувчи корхона ва ташкилотларнинг раҳбари, ишларни қабул қилишга масъул шахснинг имзолари, мижоз корхона ва ташкилотларнинг юмолоқ муҳри билан тасдиқланганлиги, ҳисобварақ – фактуралар корхона директори, бош муҳосиб ва бажарувчи томонидан имзоланиб корxonанинг юмолоқ муҳри билан тасдиқланганлиги, иккинчи томондан мижоз корхона ва ташкилотларнинг ҳисобварақ- фактурани қабул қилиб олганлиги тўғрисида имзолари билан расмийлаштирилганлиги, бажарилган ишларга расмийлаштирилган ҳужжатлар корхона бухгалтериясида белгиланган тартибда бут ёки тўлиқ ҳолда сақланаётганлиги 2020 йил 2 ярмидан электрон ҳисобварақ фактуралар расмийлаштирилганлиги маълум бўлди.

**Сотилган маҳсулотлар таннарх харажатлари ва давр харажатлари.**

Жамиятнинг 2020 йил давомида жами сотилган маҳсулотлар таннарх харажатлари ва давр харажатлари қуйидагича ҳисобланган:

		м.сўм		
Счетлар	Харажатлар	Ҳисоботда	Аудитда	Фарқи
9100	Сотилган маҳсулот таннархи			
9120	Шундан: Сотилган товар м.тан.	43 948 592,0	43 948 592,0	




**АЖ "O'z sanoateksport" аудиторлик ҳисоботи**

9130	Иш хизматлар таннархи			
	Давр харажатлари:			
9410	-Сотиш харажатлари	645 522,00	645 522,00	
9420	-Маъмурий харажатлар	1 697 077,00	1 697 077,00	
9430	-Бошқа операцион харажатлар	2 061 749,00	2 061 749,00	
	Жами давр харажатлари:	4 404 348,00	4 404 348,00	
9600	Молиявий фаолият буйича харажатлар	11 734 539,3	11 734 539,3	
	Жами харажатлар	60 087 509,0	60 087 509,0	

Жамият томонидан 2020 йил учун бизнес режаси (харажатлар сметаси) тузилган бўлиб, 2020 йил молиявий натижа ҳисоб режаси буйича таҳлил қилинганда даромад ва харажатлар режаси 44 фоизга бажарилган холос. Жамият иқтисодий режалаштириш бўлими томонидан режани бажарилиш эҳтимоли даражасида режалаштириш, қўшимча даромадлар кўпайтириш, корхонани молиявий аҳволини яхшилаш чораларини кўриш тавсия этилади.


Жамият ҳисобот даври 2020 йил якуни буйича бизнес режа бажарилиши қуйидаги жадвалда акс этган:

(в млн. сум)

Даромадлар номи	2020 йил Режа	2020 йил Ҳақиқатда	Бажарилиш и % ҳисобида
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	119864,97	46482,97	38,8
<b>Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари таннархи</b>	<b>1151,66</b>	<b>417,723</b>	<b>36,3</b>
<b>Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами</b>	<b>17 711,57</b>	<b>15198,868</b>	<b>85,8</b>
-Дивидендлар шаклидаги даромадлар	222,2	624,925	281,2
-Фоизлар шаклидаги даромадлар	16 030,64	13976,467	87,2
-Молиявий ижарадан даромадлар	1 458,74	597,476	41,0
<b>Жами даромадлар</b>	<b>138 728,20</b>	<b>62099,561</b>	<b>44,8</b>

Харажатлар таркиби буйича ўзгаришлар қуйидагича бўлган:

Харажатлар номи	2020 йил Режа	2020 йил Ҳақиқатда	Бажарилиш и % ҳисобида
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	118 283,77	43 948,59	37,16
<b>Давр харажатлари жами:</b>	<b>4 242,79</b>	<b>4 404,35</b>	<b>103,81</b>
-Сотиш харажатлари	631,24	645,52	102,26
-Маъмурий харажатлар	1 433,52	1 697,08	118,39
-Бошқа операцион харажатлар	2 178,02	2 061,70	94,66
<b>Молиявий фаолият буйича харажатлар</b>	<b>13 800,95</b>	<b>11734,56</b>	<b>85,03</b>
-Фоизлар шаклидаги харажатлар	-	1 406,34	
-Валюта курси фарқидан зарарлар	13 800,95	10 328,22	74,84
<b>Жами харажат</b>	<b>136 327,50</b>	<b>60 087,50</b>	<b>44,08</b>

Аудит текшируви давомида харажатларни ҳисоблашда баланс ва молиявий натижа буйича тузатишлар амалга оширилди.

### **Хусусий капиталлар ҳисоби**

Ушбу булимнинг сметлари Жамиятнинг хусусий капитали ҳолати ва ҳаракати, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ ва (еки) таъсис ҳужжатларига мувофиқ, ташкил этилган резервлар ва фондлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Хусусий капитал жамиятнинг активлари ва мажбуриятлари уртасидаги фарқдир. Хусусий капитал мулк эгаси томонидан амалга оширилган қўшимча инвестициялар, фаолият натижаларига боғлиқ ҳолда қупайиши еки қамайиши мумкин.

Жамиятда қуйидаги сметларда ҳисоб юритиш тартиби еритилади:

8300 - Устав капиталини ҳисобга олувчи сметлар;

8500 - Резерв капиталини ҳисобга олувчи сметлар;

8700 - Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи сметлар.

01.01.2020 йил ҳолатига хусусий капиталлар сметларида қуйидаги қолдиқлар мавжуд бўлган:

		<i>минг сум</i>
Смет	Смет номи	қолдиқ
8300	Устав капиталини ҳисобга олувчи сметлар	23 156 573
8500	Резерв капиталини ҳисобга олувчи сметлар	656 882
8700	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи сметлар	2 847 465
8800	Мақсадли жамғармалар	242 477 587
8900	Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар	0
	<b>Жами</b>	<b>269 138 507</b>

01.01.2020 йил ҳолатига баланснинг валюта қолдиғи 269 138 507 минг сумни ташкил қилган бўлиб, йил бошига нисбатан 8 959 009 минг сумга қўпайган.


### **Солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланиши.**

Солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланиши ва уз вақтида утказиб борилиши текширилганда қуйидагилар аниқланди:

Қорхона умумий тартибда солиқ тўловчи сифатида Давлат бюджетига Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, Қўшилган қиймат солиғи, Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, иш ҳақидан даромад солиғи, Солиқ агентлари томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинadиган дивидендлар ва фоизлар қуринишида тулanaдиган даромадлардан олинadиган солиқ, ягона ижтимоий тўлов ҳисоботлар тақдим қилиб келинган ва шунга асосан ҳисоб китоб қилиб келинган.

### **Фойда солиғи солиғи.**

Фойда солиғи Солиқ кодексининг 294-342 моддасига мувофиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиккан ҳолда амалга оширилади.





**АЖ "O'zsanoateksport" аудиторлик ҳисоботи**

Қуйидаги маълумотлар асосида фойда солиги қуйидагича ҳисобланган:

минг сум

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Даромадлар	
		Ҳисоботда	Аудитда
Даромадлар рўйхати		3	
1	2	3	
<b>Жами даромадлар, шу жумладан,</b>	010	62 099 566,5	62 099 566,5
Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад	020	46 482 970,3	46 482 970,3
Комиссион хизматлар			
Асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад	050	148 607,12	148 607,12
Дивидендлар тарзидаги даромадлар	110	624 924,72	624 924,72
Фоизлар тарзидаги даромадлар	120	13 976 466,96	13 976 466,96
Валюта курси фарқидан даромадлар	130	597 471,03	597 471,03
Бошқа даромадлар	180	269 115,90	269 115,90
Кўрсаткичлар	Сатр коди	Харажатлар	
		Ҳисоботда	Аудитда
1	2	3	4
<b>Жами харажатлар (020-сатр - 07...-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан:</b>	010	60 087 510,0	60 087 510,0
Сотилган товарлар (хизматлар) билан боғлиқ харажатлар (таннарх)	020	43 948 592,0	43 948 592,0
Сотиш харажатлари	030	645 521,7	645 521,7
Маъмурий харажатлар	040	1 697 076,6	1 697 076,6
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	050	11 734 569,8	11 734 569,8
Бошқа харажатлар (зарарлар)	060	2 061 749,8	2 061 749,8
шундан, чегирилмайдиган харажатлар		798 060,6	798 060,6
Жами даромадлар (Ҳисоб-китобнинг 1-илоvasи 010-сатри – 110-сатри – 121-сатри)	010	61 474 641,8	61 474 641,8
Чегирилайдиган харажатлар ((Ҳисоб-китобнинг 2-илоvasи 010-сатри 3-устун - 4-устун) + (Ҳисоб-китобнинг 5-илоvasи 060-сатри))	020	59 289 449,4	59 289 449,4
Солиқ солинадиган фойда (010-сатр - 020-сатр)	030	2 185 192,5	2 185 192,5
Имтиёзлар - жами (Ҳисоб-китобнинг 3-илоvasи 030-сатри)	040	38 686,7	38 686,7
Ноль ставка қўлланиладиган солиқ тўловчилар фойдаси (Ҳисоб-китобнинг 6-илоvasи 030-сатри)	050	0,0	0,0
Солиқ базаси (030-сатр – 040-сатр - 050-сатр), бироқ "0" дан кам эмас	060	2 146 505,8	2 146 505,8
Фойда солиғининг белгиланган ставкаси, фоизда	070	15	15
Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланаётган юридик шахслар учун тузатилган солиқ ставкаси	071	15	15

**АЖ "O'z sanoateksport" аудиторлик ҳисоботи**

Фойда солиғи суммаси – жами (060-сатр х 070-сатр)	080	321 975,9	321 975,9
Фойда солиғининг бюджетга тўланиши лозим бўлган жами суммаси (080-сатр – 090-сатр – (Ҳисоб-китобнинг 9-иловаси 090-сатри + Ҳисоб-китобнинг 10-иловаси 060-сатри)), шу жумладан:	110	321 975,9	321 975,9
Қўшимча			

Корхона 2020 йил якуни бўйича 321 975,9 минг сўм фойда солиғи учун ҳисобот тақдим этган.

**Қўшилган қиймат солиғи аудити.**

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш Солиқ Кодексининг VII-булим 35-боб 197-200-моддаларига асосан солиқ ҳисобланадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

минг сумда

Курсаткичлар	Сатр Коди	Сумма
Ҳисобот даврида ҳисобга олинадиган Қўшилган қиймат солиғи (ККС) суммаси	10	108 455,1
Товарларни (хизматларни) реализация қилиш обороти бўйича ҚҚС суммаси	20	408 463,7
Бюджетга туланадиган ККС суммаси	30	300 008,6

**Ижтимоий солиқ ва даромад солиғини ҳисоблаш ҳисоблаш.**

Ижтимоий солиқ ҳисоблаш Солиқ кодексининг XIV булим, 58-боб, 402-409 моддалари асосида ҳисобланадиган базадан келиб чиқиб, ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланди.

Солиқ солинадиган база Солиқ кодексининг 371-моддасига мувофиқ туланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланди.

минг сум

Курсаткичлар	Сатр коди	Ижтимоий солиқ		Даромад солиғи
		Жами	Умумий тартибда	
Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (Узб. Республикаси СКнинг 371-моддаси)	010	2761238,3	2761238,3	2978253,8
Ижтимоий солиқ ҳисобланмайдиган тўлов турлари	020			
Даромад солиғи ҳисобланмайдиган тўлов				135394,2
Солиқ солинадиган база:	030	2761238,3	2761238,3	2842859,6
ИС ва даромад солиғи ставкаси, %	040	12%	12%	12%
ИС ва даромад солиғи ставкаси	050	331348,6	331348,6	341143,2

**АЖ "O'zsanoateksport" аудиторлик ҳисоботи**

тўловлар суммаси				
Ҳисобот даври учун ИС ва даромад солиғи тўловнинг кушимча ҳисобланган суммаси	060			
<b>Ҳисобот даврида туланиши лозим</b>	<b>070</b>	331348,6	331348,6	341143,2

**Иктисодий ҳолатини баҳолаш буйича курсаткичлари.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иктисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш» тўғрисидаги Низом асосида 2020 йил 31 декабр ҳолатига тузилган бухгалтерия баланси ҳисоботининг кўрсаткичлари буйича жамиятнинг иктисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди:

Балансинг копланиш коэффиценти - Жорий активларнинг жорий мажбуриятларга нисбати. Ушбу курсаткич 1,25 дан паст булган ҳолатларда Жамиятнинг тўлов қобилияти пастлигидан далолат беради.


Оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти – молиявий баркарорликни таъминлаш учун шахсий оборот билан таъминланганлик курсаткичини белгилайди. Ушбу курсаткич 0.2 дан паст булса оборот маблағлари билан таъминланмаган ҳисобланади.

Рентабеллик даражаси коэффиценти – молиявий хужалик фаолиятининг маълум бир даврида жамиятнинг фойдаси (зарари) даражаси курсаткичини белгилайди. Ушбу курсаткич 0.05 дан паст булса, паст рентабеллик ҳисобланади.

Шахсий маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати буйича коэффиценти – қисқа муддатли жорий мажбуриятларни қайтариш қобилияти буйича курсаткичини белгилайди. Норматив коэффиценти 0.05.

Коэффициентлар	Курсаткичлар ҳисоби	01.01.2021 й ҳолатига	Курсаткичлар характеристикаси
Балансинг копланиш коэффиценти	$\frac{A2}{П2-ДО}$	1,77	>1.25 тўлов қобилиятли
Оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти (молиявий баркарорлик)	$\frac{П1+Дэк2-A1}{A2}$	0,43	>0,2 оборот маблағлари билан таъминланган
Шахсий маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати коэффиценти	$\frac{П1}{П2-ДО}$	0,87	>0.05 қисқа муддатли жорий мажбуриятларни қайтариш қобилияти
Рентабеллик даражаси коэффиценти	Фойда солиғи ҳисоблангунча фойда харажатлар	0,03	>0.04 рентабеллик

Жамиятнинг асосий иктисодий курсаткичлари таҳлил қилинганда жамият қисқа муддатли жорий мажбуриятларни қайтариш қобилияти, оборот маблағлари билан таъминланган ва тўлов қобилияти буйича норматив коэффиценти меъёрий кўрсаткичдан юқори, рентабеллик даражаси паст эканлиги аниқланди.

### III. ЯКУНИЙ ҚИСМ.

Аудиторлик текшируви давомида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш буйича берилган тавсиялар молиявий ҳужалик фаолиятининг иктисодий курсаткичларини яхшилаш, шунингдек назорат қилувчи органлар томонидан қуйилиши мумкин булган жарималарни олдини олиш, бухгалтерия ҳисобини юритилиши сифатини яхшилаш ва ички назорат тизимини яхшилаш имкониятини беради.

Аудиторлик текшируви натижасида молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмас ва биз томонимиздан утказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Аудит текширувида даромад ва харажатларни ҳисоблашда баланс ва молиявий натижа буйича курсаткич маълумотларини узгаришига олиб келадиган тузатишлар амалга оширилмади. Аудит текшируви давомида айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий ёрдам курсатилди, айримларини бартараф этиш буйича тавсиялар берилди. Бизнинг фикримизча, ҳужалик юритувчи субъект «O'zsanoateksport» акциядорлик жамиятининг 2020 йил якуни буйича молиявий ҳужалик фаолияти юзасидан тузилган ҳисоботи аудиторлар кўрсатган камчиликларни ҳисобга олиб, унинг молиявий ахволини ҳаққоний акс эттиради.

**МЧЖ «NAZORAT-AUDIT» АУДИТОРЛИК  
ТАШКИЛОТИ ДИРЕКТОРИ**

**АУДИТОР:**



**Б.Н.Назаров.**

**Р.А.Умаров**